

АЛИЕВ Жамшид Ровшанович

Дин ишлари бўйича қўмита
Диншунослик экспертизаси бўлими бош
мутахассиси

ЗАМОНАВИЙ ТАКФИРЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ ВА ЖИХОДИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

КОРНИ СОВРЕМЕННЫХ ИДЕЙ ТАКФИРИЗМА И ФОРМИРОВАНИЕ ДВИЖЕНИЙ ДЖИХАД

THE ROOTS OF MODERN IDEAS OF TAKFIRISM AND THE FORMATION OF JIHAD MOVEMENTS

Аннотация: Мақолада такфирчилик ғояларининг тарихий илдизлари, такфирий ғояларни илгари сурган шахсларнинг қарашлари, уларнинг жиҳодий ҳаракатларнинг шаклланишига таъсири, бугунги кунда экстремист ва террорчи ташкилотларнинг ғояларида такфир тушунчасининг ўрни тадқиқот объекти сифатида намоён бўлади.

Калит сўзлар: Такфир, такфирчилик, жиҳодий ҳаракатлар, экстремистик ва террористик ташкилотлар, радикал контент.

Аннотация: В статье представлены исторические корни идей такфиризма, взгляды людей, выдвигавших идеи такфиризма, их влияние на формирование движений джихад, роль концепции такфира в представлениях экстремистских и террористических организаций на сегодняшний день как объекта исследований.

Ключевые слова: Такфир, такфиризм, движения джихад, экстремистские и террористические организации, радикальный контент.

Annotation: The article presents the historical roots of the ideas of takfirism, the views of people who put forward the ideas of takfirism, their influence on the formation of jihadist movements, the role of the concept of takfir in the ideas of extremist and terrorist organizations today as an object of research.

Keywords: Takfir, takfirism, jihadist movements, extremist and terrorist organizations, radical content.

Кириш

Бугунга келиб, тарихан ислом маданияти остида бўлган минтақаларда диний экстремизм ва терроризм муаммоси ўчоқлари пайдо бўлиш хавфи кутилиб келинмоқда. Айниқса, нисбатан беқарор вазият ҳукм сурган Афғонистон, Ироқ ва Сурия ҳамда бошқа давлатларда экстремистик ташкилотларнинг фаолияти янада авж олиш эҳтимоли юқори. Улардан айни вақтда фаол бўлган “Ал-Қоида”, “Ислом давлати”, “Хайъат тахрируш Шом” каби ташкилотлар такфирий-жиҳодий йўналишдаги ташкилотлардан энг йириклари ҳисобланади.

“Такфирчилик”¹ (эътиқодий қарашлар, бошқарув тузум ва қонунлар ҳамда душманлик фаолиятлар ислом ақидасига зид деб топилган тақдирда шахс, жамият ва низомлар куфрий деб ҳисобланиши) ғояларига асосланган экстремистик ва террористик ташкилотлар фаолиятини тадқиқ қилишда уларни шартли равишда қуйидаги 6 даврга таснифлаш мумкин:

– Биринчи давр – 657 йилда Али ибн Абу Толиб ва Муовия ибн Абу Суфён ўртасидаги Сиффийн² жангидан кейинги сулҳда таҳким³ масаласидан норози бўлиб, Али аскарлари

¹ Такфир – куфрда айблаш, ислом динидан чиқариш, шахсни мусулмон ҳисобламаслик, уни имондан чиқди, деб эълон қилишга айтилади. Такфир ўзига хос нозик мавзу бўлиб, уни фақат давлат раҳбари ёки қози жамиятда мусулмон бўлган шахснинг ислом динидан бошқа динга ўтиб кетгани ёки ҳеч қайси динга ишонмаслигига етарли ҳужжат ва далиллар топилганидан сўнг, айбланувчининг қатъий эътирофи ва исломдан воз кечиш фикридан қайтмаслиги аниқ бўлганидан кейин унинг устидан ҳукм ўқиш учун қўлланилган. Такфирни аҳоли орасида ўзбошимчалик билан ҳар кимга қўллаб бўлмайди.

² 657 йилда Али ва Муовия (р.а.) ўртасида тўқнашув юзага келган Шом ва Ироқ оралиғидаги Сиффийн номи жой номи.

³ Сиффийндан сулҳ учун қабул қилинган таҳким – ҳакамлик суди. Шом қўшини чекиниш арафасида Муовия (р.а.) сулҳ таклифи билан чиққанлар. Али (р.а.)ни таклифни қабул қилганлар. Асосий масала ким халифа бўлиш борасида тарихда илк бор таҳким асосида ҳал қилинишга келишилган. Унга қўра Али (р.а.) тарафларидан Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.) ҳамда Муовия (р.а.) номларидан Амр ибн Ос (р.а.) чиқиб, ўзаро сўнгги ҳукми эълон қилишлари керак эди. Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.) халифаликка даъвогар бўлган ҳар икки саҳобани сиёсатдан четлаштириб, ҳамма учун улардан бошқа одамни халифа қилиб сайлаш таклифини берганлар. Амр ибн Ос (р.а.) эса Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.)нинг Али (р.а.)ни халифаликдан четлатиш фикрларига қўшилиб, Муовия (р.а.)ни ўз ўрниларида қолдирганларини эълон қилганлар.

орасидан 12 минг хорижийлар⁴ (хавориж) тоифасининг ажраб чиқиши;

– Иккинчи давр – Мўғулларнинг Аббосийлар халифалиги ҳудудлари (Мавароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Ироқ ва Шом)ни истило қилишлари оқибатида Аҳмад ибн Таймия каби олимлар томонидан Ясоқ қонунлари⁵ остида қолган диёрларни қуфрий деб даъво қилиниши;

– Учинчи давр – мусулмонлар тавҳиддан узоқлашгани сабабли ширк ва бидъатга берилиб кетганини даъво қилган Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1704-1792) йилларда у бошчилигидаги ваҳҳобийлик ҳаракатининг шаклланиши;

– Тўртинчи давр – XIX-XX асрлардаги Африка ва Осиёдаги мусулмон мамлакатларнинг Ғарб мустамлакачилиги сиёсати остида қолиб кетишлари натижасида шариат қонунларининг бекор бўлиши ҳамда бошқа қонунларнинг татбиқ этилишига қарши шаклланган тақфирий тушунчалар;

– Бешинчи давр – Афғон уруши (1979-1989)да СССР армиясининг иштироки ва унга нисбатан тақфирчиликка асосланган жиҳодий ҳаракатларнинг шаклланиши;

– Олтинчи давр – ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб то бугунги кунгача АҚШ ва унинг иттифоқидаги Ғарб давлатлари, Исроил ҳамда ислом шариати билан бошқарилмаётган “тоғут”⁶ давлатларга қарши шаклланган экстремистик ва террористик

ташкilotлар тақфирий тушунчаларнинг авж олиши.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги тақфирий тушунчаларни илгари сурувчи радикал тоифалар ўз қарашларини исботлаш тариқасида Аҳмад ибн Таймия асарларидан иқтибос келитирадилар. Бироқ Аҳмад ибн Таймия тақфир ва жиҳод тушунчаларига оид алоҳида асар қолдирмаган. Балки бу мавзулар унинг кенг қўламли масалаларга бағишланган китоблари орасидаги фикрларда қўрилади. Унинг асарлари қомусий шаклга эга. Замонавий тақфирий ва жиҳодий жамоалар ибн Таймиянинг ҳаёти, мўғулларга қарши жангларда иштирок этиши билан боғлиқ ҳикоялардан илҳомланган ҳолда ўз фаолиятларини тўғри эканини кўрсатишга уриниб келмоқдалар. Ибн Таймия ҳаётига оид маълумотларни ёзиб кетган муаррихлар унинг жасур жангчи, шижоатли, дин йўлида ҳеч кимнинг маломатидан қўрқмайдиган жиҳодчи, такводор олим экани ҳақидаги таърифларни қолдирганлар. Айнан шу маълумотлар ва унинг тақфир ва жиҳодга оид фикрларидан келтирилган иқтибослар экстремистларнинг дарс машғулотларида уларга “мотивация” беришда ҳозир ҳам қўлланиб келинмоқда.

Айниқса, Ибн Таймиянинг мўғул хони Ҳулагу (Илхонийлар ҳукмронлиги 1256-1335 йилларда ҳукм сурган) қўл остидаги мусулмон минтақаларда шариат қонунлари четга сурилиб, Ясоқ қонуни қабул қилингани сабабли у ерларни қуфрий деб эълон қилди. Амалда эса Ясоқ қонунлари мусулмонлар кўп бўлган жойда деярли қўлланилмаган. Илхонийлардан бўлган Ғазонхон (1271-1304) исломни қабул қилиб, ислом шариатини қайта тиклаган ҳамда ўзини “Эрон ва ислом подшоҳи” деб эълон қилдиргани [1:73] учун Ибн Таймия уни “қофир подшоҳнинг ўғли” деб атаган [2:112].

1299 йил мўғуллар Дамашққа юриш қилиб келган пайтда шаҳар аҳолисининг кўплаб ҳарбий, зиёли ва олимлари босқинчиларнинг ваҳшийликларидан қўрқиб, ўз ватанларини урушсиз тарк этадилар. Ибн Таймия эса оддий халқ билан қолиб мўғулларга қарши жанг қилади. Шу сабабли у қочиб кетганларни муртадлар (халифа Абу Бакр даврида закот тўлашдан бош тортган айрим қабилаларнинг

⁴ Таҳким воқеасидан кейин Усмон (р.а.) қасосларини олишга рағбатлари кучли бўлган Муовия (р.а.)га халифалик ўтиб кетганидан чўчиган ўн икки минг нафар исёнчилар мазкур ҳукмдан мутлақо норози бўлганини билдирганлар. Мана шу воқеадан сўнг улар Али (р.а.) билан бирга бўлган саҳобалар ва тарафдорларидан ажралиб чиққани учун “хавориж”, “хорижийлар” деб атала бошланган. Шунингдек, мазкур тоифа Ироқдаги Ҳарура қишлоғига жойлашганига “ҳарурийлар”, “Ҳукм фақат Аллоҳдан” деганларига “муҳаккима”, ўзларини бошқалардан устун қўйиб, Аллоҳ йўлида сотилганлар, бағишланганлар сифатида кўрганлари учун “шурот” деган номлар билан ҳам танилган.

⁵ Чингизхон томонидан 1206 йилдаги қурултойда қабул қилинган руҳсат ва тақиқлар мажмуаси.

⁶ “Тоғут” луғавий маънода “ҳаддан ошувчи”, “туғёнга кетувчи”, истелоҳда эса шайтон, маъбуд, илоҳлик даъво қилувчи, сеҳргарни ҳам билдиради. Замонавий экстремистлар бу тушунчани илоҳий ҳукми татбиқ қилмасдан инсоний қонунларни жорий этувчи ҳокимларга нисбатан қўлламоқдалар.

риддасига таққосланган)га ўхшатган [3: 15–16, 24].

Бугунги кунимизда Яқин Шарқ минтақасида фаолият кўрсатаётган экстремистик ташкилотларнинг даъват услубларида ибн Таймиянинг икки қараши яққол кўзга ташланади. Биринчиси, ибн Таймиянинг ислом шариати билан бошқарилмайдиган тузумни тоғут сифатида баҳолаб, тақфир қилиши, иккинчиси, ўз даврида у шиаликнинг нусайрий⁷ оқимиға қарши ёзган раддияларида уларнинг қарашлари куфрий эканини даъво қилгани замонавий экстремистларнинг ғояларида акс топган. Бу қарашлар билан Сурия режими ва унинг иттифоқчилари сиёсий низом нуқтаи назардан тоғут тизими ҳисобланса, Башар Асад ва унинг яқинлари нусайрий оқимиға мансуб деб кўрилади. Бундай тақфир усули билан экстремистлар уларға қарши бўлган тарафларға жанг қилиш, жиҳод эълон қилиш, жони ва молини ҳалол санаш учун фатво вазифасини ўтамоқда.

XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлик ҳаракати асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Аҳмад ибн Таймиянинг қарашларидан таъсирланди [4:142]. Унинг даъволари ташқаридан муаммо эмасдек туюлса-да, бироқ у бу йўлда мусулмонларни тақфир қилиб [5:840], уларға қурол кўтариб, қонини тўққани унинг хавориж деб айбланишиға туртки бўлди [6:336]. Унинг бу ҳаракати сабабли “ваҳҳобийлик”нинг замонавий экстремистларнинг яқин ғоявий аждоди дейишға асос бўлади. Ўз навбатида Аҳмад ибн Таймия Муҳаммад ибн Абулваҳҳобнинг фикрларининг шаклланишиға кучли таъсир ўтказгани учун ҳам “салафийлар” ибн Таймиянинг асарларидан кўп фойдаланиб келишмоқда. Улар ўзларининг қарашларида араб бўлмаган мутафаккир олим ва уламоларни “ислом моҳиятини сохталаштириш”да айблаб, ислом аҳкомлари асосида ташкил этилган давлатни идеаллаштиришға асосланган қарашлар тизимини ишлаб чиқдилар ва жиҳодни

унга эришишнинг асосий воситаси сифатида эълон қилиб, ўз ғоялариға жанговарлик тусини бердилар. Шундай қилиб, “салафийлик” ҳам ҳокимият учун кураш усули сифатида майдонға чиқди.

Бу ҳақида Исаак Вайсман “Ибн Таймиянинг тавҳид таълимотиға асосланиб, ибн Абдулваҳҳоб Арабистон ярим оролидаги аксарият аҳолисининг амалларини исломдан олдинги жоҳилия давридан қолган деб қоралаган. Буни ўз даврида кенгрок қўллаб, бутун мусулмон оламиға хужум қилди. Ибн Таймиянинг салафлар йўлиға қайтиш тушунчасини қабул қилиб, ибн Абдулваҳҳоб ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, кейинги авлодларда исломға кириб қолган бидъатларни рад этишға эришди. Буларға тақлидға оид ижтиҳодлар (тақлидий имон), ваҳдатул вужуд қараш (теософия), тасаввуф шайхларини улуғлаш ва барча тариқатлар, авлиёларға васила қилиш, уларнинг қабрини зиёрат қилиш, шафоат масалалари каби машҳур амаллар қиради” [7:268], деб фикр билдирган.

Бундай сиёсий-ижтимоий вазиятда Ибн Абдулваҳҳобнинг ғоялари Саудлар оиласи учун қўл келиб, улар Ҳижозда (Макка ва Мадина) ҳукмрон бўлган Усмонийлар султонлигининг Арабистон яриморотидаги таъсирини сусайтиришға эришдилар. Ана шу даврда “ваҳҳобийлар”ға қарши бўлган кучларға тақфир эълон қилинди.

Кейинчалик Ғарб давлатлари томонидан мустамлакачилик ҳаракатлари бошланди. Мустамлакачилар томонидан мусулмон диёрларида амалда бўлган шариат қонунлари босқичма-босқич сиқиб чиқарилди. Аксарият араб давлатларида романо-герман ҳуқуқий оиласи қонунлар тизими ва бошқа мактаблар кириб келди. Бу эса мавжуд тузумға қарши бўлган тоифаларнинг пайдо бўлишиға замин яратди. Жумладан, Мисрда Саййид Қутб (1906-1966) ва асосан Ҳасан ал-Банно (1906-1949) томонидан 1928 йилда “ал-Ихван ал-Муслимун” (“Мусулмон биродарлар”) ташкилотиға асос солинди.

Саййид Қутб Мисрда шариатға асосланган давлат тузумини ўрнатиш бўйича қарашларни илгари сурган ва сиёсий исломни ғоявий етакчисига айланган. 1954 йил Саййид Қутб ва унинг тарафдорлари Миср президенти Жамол Абдул Носирға қарши фитна ташкил қилган,

⁷ Нусайрилар, алавийлар - шиаликдагп фиркалардан бирининг тарафдорлари. Шимолий Сурияда энг кескин шиалар даврасида пайдо бўлган. Фирқанинг номини Муҳаммад ибн Нусайр ан-Нумайрий (тахм. 883 й. Басрада вафот этган) билан боғлайдилар. Нусайрийларнинг асосий ақидаси Али ибн Абу Толибни илоҳийлаштириш («алавийлар» номи шундан), унда Худонинг ўзи мужассамланган деб ишонишдан иборат.

аммо кейинчалик ҳибсга олинган. Саййид Қутб 1966 йилда Миср президенти Жамол Абдул Носир ҳаётига суиқасд қилишда айбланган ва ўлим жазосига маҳкум қилинган.

Ташкилотнинг етакчиси Саййид Қутб 1966 йилда Миср ҳукумати томонидан қатл қилинганидан сўнг ҳаракат аъзолари орасида “такфирчилик” ғоялари авж олди. Ҳатто “ихвончилар”нинг айримлари бу ғоялардан уларни қайтаришга уринган бўлса-да, ҳаракатнинг ёш аъзолари ҳукумат тарафдорлари ва сиёсий тузумни куфрда айблашдан тўхтамадилар.

“Такфирчилик” ғояларидан таъсирланган айрим “ихвончи” ёшлар Шукрий Аҳмад Мустафа раҳбарлик қилган “ат-Такфир вал-Ҳижра” (“Такфир ва ҳижрат”) ташкилотига қўшилиб кетишган. Улардаги “такфир” ғояларининг кучайишига Саййид Қутбга тегишли “Маъалим фит тариқ” (“Йўлдаги ишоралар”) номли китоб манба бўлиб хизмат қилган. Оқибатда улар томонидан нафақат Миср ҳукумати, балки барча араб давлатларидаги ҳукмрон тоифа ва ҳукумат аъзолари муртад ва исломдан чиқиб кетгани эълон қилинди.

Мазкур ташкилот томонидан 1977 йилда Мисрдаги бир қанча тунги клублар ва идораларга курулди ҳужумлар уюштирилган. Ўша йилда Мисрнинг Дин ишлари бўйича вазири Муҳаммад Ҳусайн аз-Заҳабий асир оlinиб, қатл қилинган. Шундан сўнг 400 нафарга яқин “такфирчилар” ҳукуматнинг махсус кучлари томонидан қўлга олинган. Шу жумладан, “такфирчилар”нинг раҳбари Мустафа Шукрий қўлга оlinиб, 1978 йилда у ўлим жазосига тортилган. Унинг ташкилоти тарқалиб кетган бўлса-да, собиқ тарафдорлар томонидан “Ал-Жихад ал-Исламий ал-Мисрий” (“Миср ислом жиходи”) ташкилоти шакллантирилди. Ушбу ташкилот ўзининг фаолияти давомида кўплаб террорчилик ҳаракатларини содир этиб келди. Бугунги кунда Саййид Қутбнинг ғоялари турли жиходий-ҳарбий уюшмаларнинг (“Ал-Қоида”, “Миср ислом жиходи”) фаолияти учун дастур бўлиб хизмат қилмоқда. “Ихвончилар”нинг иттифокдоши бўлиб келган “жиходчилар” 2001 йилда бошқа террорчи ташкилот ҳисобланадиган “Ал-Қоида”га байъат бериб, унга қўшилиб кетди.

Бугунги кунга қадар Саййид Қутб ғояларига эргашувчиларнинг муҳолифлари томонидан уларга нисбатан “қутбийя” (“қутбчилар”) деб номлаш урфга кирган [8:175]. Айнан мана шу даврдан сўнг такфирчилик ғоялари билан таъсирланган ёшлар энди жиход амалиёти зарур эканини илгари суришни бошладилар. Бу жиходий жамоаларнинг шаклланиши учун илк қадам бўлди десак муболаға бўлмайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда такфирчиликка асосланган жиходий жамоаларнинг тадрижий босқични бошдан кечирди. Бунда 1930-1960 йиллардаги диний омил элементлари бўлган миллий истиқлол ҳаракатларидаги жиходий қарашларнинг пайдо бўлиши, 1960-1965 йиллардаги Саййид Қутбнинг асарларидан таъсирланган фикрий жиходнинг пайдо бўлиши, 1965-1982 йиллардаги Марвон Ҳадид издошларининг фикрий жиходдан амалий жиходга ўтишга интилишлари, 1989 йилдан бошлаб то ҳозирга қадар Афғонистон урушида тажриба ортирган жиходий жамоаларнинг ўзаро фикр ва тажриба ҳамда кадрлар алмашунивини йўлга қўйган ҳаракатлар фаолияти даврини санаб ўтиш мумкин.

Юртимизда “такфирчилик” ғояларининг зимдан тарқалиб кетишига айрим дин даъватчиларининг Аҳмад ибн Таймия, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ва Саййид Қутб каби шахсларнинг асарларидан таъсирланиши билан боғлиқ. Улар 1990-йиллар бошидаги фаолияти давомида ҳукм, жиход, бошқа дин вакилларига муносабат ва шаҳидлик каби мавзулар маъруза ва суҳбатлар қилган. Мазкур чиқишлар “Ўзбекистон исломий ҳаракати”, “Ислом жиходи иттиҳоди”, “Имом Бухорий катибаси” ва “Тавҳид ва жиход катибаси” каби экстремистик ташкилотлар учун ғоявий манба бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, “Такфирчилик” (ёки “Такфирчилар”) мустақил ташкилот сифатида қайд этилмаган бўлса-да, бироқ у турли радикал ва экстремистик ташкилотларнинг услуби ва ғоявий йўналиши ҳисобланади. Асосан, улар томонидан амалдаги қонунчилик ва сиёсий тузумларда шариат ҳукмларининг мавжуд эмаслиги, аynи вақтда Қуръон ва суннатга асосланган ислом давлатининг йўқлиги рўқач

килинган ҳолда, жорий бўлиб турган давлат ва ҳукуматларни тоғутлик ва куфрда айблаш, уларни қўллаган мусулмонларни эса муртад ва мунофиқ деб билиш, мурсага даъват этувчи дин олимлари ва имомларни эса “сарой муллasi” ва “тоғут малайи” каби айбловлар билан обрўсизлантиришга уринишлар кузатилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёшларимиз таъсирланиб қолаётган радикал контент суғорилаётган манбаси бир илдизга бориб тақалади. Уларнинг даъволарига қарши илмий раддия бериш услуби ва йўналишини ўзгартириш янада самарадор методларини қўллаш зарурати мавжуд. Шу боис Интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан янада унумли фойдаланиш бир қаторда соҳа мутахассисларининг илмий раддия бериш малака ва кўникмаларини ошириш, ислом тарихи, сийрат, ақида, фикҳ ва фирқашунослик бўйича илмий асарлар тадқиқотини йўлга қўйиш ва уларнинг тажрибаларини аҳолига етказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Fragner, Bert G. (2013). Ilkhanid rule and its contributions to Iranian political culture // In Komaroff, Linda (ed.). *Beyond the legacy of Genghis Khan*. – Leiden: Martinus Nijhoff Brill.
2. Aigle, Denise (2015). The Mongol Invasions of Bilād al-Shām by Ghāzān Khān and Ibn Taymīyah's Three “Anti-Mongol” Fatwas // *Mamlūk studies review* Vol. 11, no. 2, 2007.
3. Islam, Eryigit, Jaan, Adem (2022). 2: The Works: Their Author, and Significance // *Islam and the State in Ibn Taymiyya: Translation and Analysis*. 605 Third Avenue, – New York, NY 10158: Routledge.
4. Mukhammad ibn Akhmad as-Saffarini. Al'-Adzhviba an-nadzhdiia 'ani-l'-as'ilyat an-nadzhdiia // Mubarak ibn Rashid al'-Khaslyan (red.) – Amman: dar al'-Fatkh; 2015.
5. Mustafa Khamdu 'Ul'ian al'-Khanbali. As-Sada al'-khanabiliya va-ikhtilyafu-khum ma'a-s-salyafiia al'-mu'asyra fi-l'-akyda va-l'-fikkh va-ttasavvuf. – Amman: dar an-Nur al'-mubin, 2017.
6. Khair-ad-din az-Zirikli. Al'-A'lyam. T. 5. Beirut: dar al'-Il'm lil'-malyiin, 2002.
7. Weismann, Itzhak : Taste of modernity : Sufism, Salafiyya, and Arabism in Late Ottoman Damascus /by Itzhak Weismann. – Leiden; Boston; Köln: Brill, 2000 (Islamic history and civilization ; Vol. 34).
8. *Pioneers of Islamic revival* by 'Alī Rāhnamā.
9. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. Тарих-ул-умам ва-л-мулук. 2-жилд. – Байрут, 1997.
10. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. Тарих-ул-умам ва-л-мулук. 3-жилд. – Байрут, 1997.
11. Ализаде А. Исламский энциклопедический словарь. – Москва, 2007.
12. Ализаде А. Хроники мусульманских государств I–VII веков хиджры. – Москва, 2004.
13. Попов А. Полная история ислама и арабских завоеваний. – Москва, 2010.